

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •



Сехрли дунё

Абдул Гани ЖУМА сурати

УШБУ СОҢДА:

2-бет

Шов-шув:

• "Илмгоҳ"

тугатилди

... бир йўла уч илм даргоҳининг қалбаки дипломини кўтариб кетаётган "профессор" бу сафар уйига кетмади...

• Ношукур

ўғлингизни

кечиринг, она!

3-бет

• Ректор куёв

бўлди

... Маҳалламиз командаси қаторида мен ҳам Усмон Носир маҳалласининг футбол жамоасига қарши тўп сурганман. Усмон Носир футболни анча маҳорат билан ўйнарди.

4-бет

• Иймоннинг

иймондан

фарқи бор

6-бет

• Бу ёғи

эраккчилик...

... Мурод ака мени кўтарганча вокзалга қараб йўл олди. Шундай хижолат бўлман. Ўтган ҳам, кетган ҳам бизга қарайди. Мурод ака қора терга ботиб кетган. Яна менга "Бирор ерингиз орғимаяптими?" дейди...

7-бет

• Фикрингиз

совук, Дичев!

... Бордию бирор давлат Дичевнинг маслаҳатига қўлоқ осиб, руҳий табиблар фаолиятини таъқиқлаб қўйди ҳам дейлик. Лекин яратилган психотрон ва психотрон қуроллари йўқотмайдику. Дуненинг нариги бурчагидан туриб, мақсадли фикрларини керакли нуқтага йўналтираверади-да. Бундан Яратганнинг ўзи асрасин!

8-бет

ТТТ

КЕЙИНГИ СОҢЛАРДА

БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ:

"МЕВАСИЗ ДАРАХТГА ТОШ
ОТМАЙДИЛАР"

АЛИЖОН ЗОҲИДИЙ:

МИЯНИ КЎЧИРИБ ЎТКАЗИШ
МУМКИНМИ?

АЗИЗ ИҚБОЛ:

ШОИР ЧЎЛПОНДАН ФАРЗАНД ҚОЛГАНМИ?

ТТТ:

ТЕГИРМОН МУДИРИДАН ДАРАК КЕЛДИ



«Оила ва жамият» 45 (168)

НОШУКУР ЎҒЛИНГИЗНИ КЕЧИРИНГ, ОНА!

Хар окшом дастурхон атрофида оиламиз жам бўлардик. Кейин онам кўлларига таомли лаган кўтариб келадилару даврамизга ўтирадилар. Ҳаммамиз овқатга қўл чўзамиз. Қорин тўйгандан кейин хар кунги хархашам бошланади: "Овқатингиз озгина шўр, ҳам мазаси галатирокми?" — дейман онамга юзланиб.

Отам бўйи бўйларига баробар бўлиб қолган ўғлига бир нарса дейишдан оғриниб, жим қолдилар. Онам эса маънос тортиб, "Болам ношукур бўлма!" дейдилару кўзларида гилт-гилт еш айланади. Сингилларим бу ҳолни кўриб, мени қойишганча онамга тасалли беришга ошиқишади.

Дастурхондаги файзинг йўқолишига хар куни мен сабабчи бўлар эдим. Онам биз уйқудан тургунга қадар рўзгор ташвишларидан фориг бўлиб, яна ишга (у киши мактабда ўқитувчи) отлансалар, ишдан қайтгач, жу-

жукларим бировдан кам бўлмасин деб ўзларини пахта даласига урсалар, яна ҳордиқ чиқарар паллада, миннатдорчилик ўрнига шундоқ киноя, қочирик эшитсалар — бу не кўргулик эди у кишига?!

Бирдан ташқаридаги галаговур хаелимни тўзгитиб юборди. Залга чиқсам, ошхонада овқат пишираётган қизлар мени қойиб бошлади: "хаелинғиз қаекда, одам шунчалар бегам бўладими?", "ана бўлажак журналист эмши!"

Дарвоқе, овқат қилаётган эдим-ку! Ўзимни ошхонага урдим. Не кўз билан кўрайки, қозон ичидаги масаллик куйиб, тутай бошлаган экан. Яхшиям, буни қизлар пайқаб қолибди.

...Онажон сиз мени — ношукур ўғлингизни кечи-

ринг! Сизга таъна қилганим — овқатнинг шўрлиги-ю", "мазасининг галатилги" аслида менинг эркалимим, тўқликка шўхлигим экан. Бу нарсани қишлоғимдан анча йироқдаги шаҳардаги етоқхонада яшаб туриб, энди ид-рок этипман. Баъзан мазали, кўпинча маза-матрасиз овқатлар пиширганимда сиз пиширган лаззатли таомлар кўз олдимдан ўтаверади.

Хар нечук, ҳаётнинг ўзи асл мактаб экан.

Норали Аслон ўғли,
ТошДД журналистика
факултети



Сўхбатдошим Шохиста Қодирова. Қашқадарё вилояти Халқ таълими бошқармасига қарашли Китоб шаҳар Соғломлаштириш марказидаги Гафур Ғўлом номи 7- "Болалар уйи" нинг директори. Беш фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи йўл қурилиш бошқармасида слесар бўлиб ишлайди.

— Сизни "Болалар уйи"га яқинда келган дейишади...

— Бундан 9 ой муқаддам туман хотин-қизлар кенгашининг раисаси эдим. Тақдир тақозоси билан шу ерда директорликка тайинландим.

— Ишни бошлаш оғир кечмадими?

— Ҳамма ишни бошдан бошлаш қийин албатта. Аммо

ларнинг кўпчилиги ўз оиласи бағрида яшашни истайдилар, шундайми?

— Сийқаси чиқиб кетган бўлсам тахорр-лашга мажбурман; Ҳеч бир фарзанд ўз ота-онасининг ис-сик бағрида ўсиб улғайганига не етсин.

Аммо айрим ота-оналар ўз боласини бизнинг "уй"ларга ташлаб кетишяпти.

Илгарилари, тиш берган ризқни ҳам беради, деган ақидага таянишарди. Боз устига пайгамбаримизнинг "Мен ва етимни қаролатган олган киши жаннатда шундай бирга

дан кўркмасдим, чунки қизимиз имтихон фанларини қучли ва аъло даражада биларди. Ўқув юрти директорининг ранги ўчиб, мендан узр сўради. Қизимиз имтихондан "5" баҳо олди. Шунанга кўзбўямачиларимиз етимларнинг бошини, силаш ўрнига пулнинг "юз"ни сийлайдилар...

— Яқинда икки боланинг

ТИШ БЕРГАН РИЗҚНИ ҲАМ БЕРАДИ

кўнгли дегани хар ишга қодир экан. Аввало ишни нимадан бошлашни билмай бошим котиб юрди. Худого шукур, жамоа мустаҳкам экан. Тарбиячилар керак пайта менга кўмаклашяпти.

— Бу ерда турмуш шароити оғир бўлган ночор оилаларнинг фарзандлари ҳам тарбияланса керак?

— Бизда 92 нафар бола тарбияланади. Шундан 17 таси ота-онасидан айро болалар.

— Бу ерда тарбияланаётган-

бўлаемиз". "Ҳадис"ига риоя қилишган. Уша етимларнинг қон-қариндошлари у ёқда турсин, ҳатто бегоналар ҳам бошларини силашган. Шу ўринда бир воқеани айтай: Утган таътилда 9-синфни тугатган бир қизимиз билим юртига ҳужжат топширганди. Нимадир бўлди-ю у имтихондан йиғлаб чиқди. Суриш-тирсам, синовдан ўтолмабди. Жаҳлим чиқиб, имтихон комиссиясини қайта тузишни талаб қилдим. Имтихонни қайта олиш-

суннат тўйини дабдабали ўтказибсизлар деб эшитдим, шу ростми?

— Ҳа, август ойида туман Ҳокимлиги ва бизга ҳомийлик қилаётган Муборак газлаштириш корхонаси ердамайда Фуркат ва Нурбекларнинг суннат тўйини ўтказдик. Шу куни 100 килога яқин ош дамланди, тарқатилди.

Бахтиер САЙИД,
Қашқадарё вилояти

Этти кун

ҚОРАТЕПАДА... БУДДАНИНГ ҲАЙКАЛИ?..

Юртимизнинг хар қарчида буюқ тарих борлиги қадимшунослар қайта-қайта ишонч ҳосил қилаётгилар. Таниқли олим А. Ставицкий бошлиқ петербурглик археологлар Термиз яқинидаги Қоратепа ёдгорлигида казиш ишлари олиб бораётиб яна бир мўъжизага дуч келдилар. Бу ерда очилган хоналардан бирида будданинг ўтирган ҳолатдаги катта ҳайкали топилди.

ҚўШНИЛАРНИНГ ЁРДАМИ

Бу йил Сурхондарё бозорларини самарқандлик дехқонлар уз-луксиз келтириб сотган помидор, булғор қалампирлари обод килди. Чамаси, сурхондарёлик дехқонлар ёз бўйи пиёз, қарам, ерёнғоқ парваришига зўр бериб, помидорни унутиб қўйишган экан. Яхшиям қўшнилари бор, йўқса вилоятнинг бозорларидан оҳор учарди.

КЕЛАСИ ЙИЛ ПИЁЗ ЙИЛИ БЎЛМАСИН

Ростдан ҳам бу йил Сурхондарё пиёзқорлари учун яхши йил бўлди. Мехнатига яраша даромад олганлар анчагина. Даромаддан "машина минган, бола-чақага кийим-кечак қилган" дехқонларнинг гувоҳимиз. Ҳалоли бўлсин!

Лекин, бундай даромадни кўрган дехқонларнинг кўпчилиги "келаси йили пиёз экаман" деб кўнглига тугиб юрибди. Келаси йил ҳамма жойни пиёз босиб, картошка-сабзисиз қолиб кетмайлик-да, ишқилиб.

ТАЛОНЧИЛИКНИНГ ЯНА БИР ЙЎЛИ

Тонг азонда, Жиззахдаги Илонўтти йўлида турган йигитга бир енгил машина тўхтади. Машинадагилар йигитчани кўярда-қўймай машинага ўтқазди. Манзилга етгач, нақ йигирма сўмини кўртдай санаб олишди. Масофа эса "бор-йўғи бир сўмлик йўл" эди.

Дарвоқе, зиёлимонанд машинадаги жаноблар Самарқандга кетишяётган экан. Улар йўл-йўлақай яна неча йўловчининг манзилини яқин қилиб, "дуо"ларини олди экан?

ПОЛВОН ОТИНИ ЎЗГАРТИРДИ

Йўғ-эй, исмини эмас. Кўнкари мавсуми бошланиб, галлаороллик полвонларнинг тинчи йўқолди. Авлиё қишлоғилик Донабой полвон деганлари ҳам узок ўйлаб ўтирмади. Кўнгли тўлмай юрган отини шартта бошқасига, устига тўрт ярим минг сўм пул кўшиб алмаштириб олди.

УЯТЧАН КУЁВ

Челак тумани қишлоқларидан бирида келин-куёв, никоҳдан ўтишгач шаҳар марказига, эсдалик учун расмга тушишга отландилар. Аммо, расмхонага боргандан сўнг, куёв "ҳозир келаман" деб чикдию, қайтиб келмади...

Жўралари "расмга тушишга уялиб" қочиб кетган куёвни бекатдаги автобусдан тутиб олишди.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА
ТАЙЕРЛАНДИ

Шов-шув

"ИЛМГОҲ" ТУГАТИЛДИ

Аввало вокиф қилмоқчимизки, жаноб Дусқаевнинг илмгоҳи бирор бир хашаматли бинода жойлашмаган. Унинг бошқа илмгоҳлардан яна бир фарқи шундаки, унда талабалар бошини оғритиб, вақтини кетказиб ўтирмайди. Дусқаевнинг дилини тошган хар бир "абитўра" агар бир қоп пули бўлса, унинг илмгоҳини бир пасда тугатиб кетавериши мумкин экан.

Лекин, 62 ешли бу "ишбилармон профессор"нинг иши яқинда тўсатдан чаппасига кетди. Тошкент шаҳрида домла қўлга тушиб қолди. Буни қарангки, бу жонли "илмгоҳ"нинг бутун сир-асрори сумкасида экан. Ички ишлар ходимлари томонидан унинг портфели очиб кўрилганида, ичидан нақ 6 (олти)та диплом чиқди. Милиция

ходимлари уларни бирма-бир очиб қараша биронтасининг ичида дипломнинг кимга тегишлиги ҳулласида сўз йўқ. Фақат уларнинг бири Политехника университети-нинг "иккитаси тиббиёт техникуми" ва қолган учтаси педагогика техникумининг дипломлари эканлиги тўғрисида езув бор, холос.

Хуллас, бир йўла уч илм даргоҳининг қалбаки дипломини кўтариб кетаётган "профессор" бу сафар уйига кетмади. Терговчилар энди ушбу дипломларнинг бўлажак соҳиблари қамлар эди, қабилдаги саволлар билан домла-нинг бошини қотиришмоқда.

Ш. РЎЗИЕВ,
Республика ИИВ Мағбуот
маркази ходими

МАСЛАХАТЛАР

БЕКАЛИК СИРЛАРИ

Мабодо дазмолда газмол, кўйлагингиз, дастурхон, сочиқ кабиларни сарғайтириб куйдириб қўйган бўлсангиз, бир қошиқ қатиқни бир стакан сувга қўшиб, сарғайган жойни 8-10 соат ивтиб қўйинг, сўнгра илиқ сувда ювиб ташласангиз доғдан асар ҳам қолмайди. ***

Рўзғорда газ чойнаги кўпинча қуйқум бойлаб қолади. Қуйқум — сувдаги тузлар қайнаш даврида парчаланиб, зич қатлам ҳосил қилиб, идиш деворига ўрнаб қоладиган оппоқ чўкма бўлиб, агар қуйқум идиш тубида кўпайиб кетса сувнинг тез исийшига халақит беради ва ҳар хил касалликларни келтириб чиқаради. Қуйқумни йўқотиш учун ичимлик содаси ва бир қошиқ уксусни, сув билан тўлдирилган чойнакка солиб 30-40 дақиқа қайнатилди. Ёки лимон пўстлоғини солиб қайнатсангиз ҳам тезда қуйқум кўчиб тушади. Бу усулдан фойдаланиб бўлгач, идишни илиқ сув билан бир неча марта чайиб ташлаш керак. ***

Боғча, лагер ва бошқа бирон умумий ёққа бораётган болангизнинг ички кийимлари алмашиб кетмаслиги учун, унга бирор белги ёки исмининг бош ҳарфини ёзиб қўйганингиз маъқул. Бунинг учун энг осон

йўли бир бўлакча оқ сурпга тушда ёзилган белги қўйиб, уни ич томондан (тескарисидан) чокка чатиб қўйинг. Ёзилган белги устидан дазмол юритилса, у узоқ вақтгача рангини йўқотмайди. ***

Эскириб қолган картошкани пишириш вақтида озгина шакар қўшилса картошка мазали бўлади. ***

Кирланган зонти спиртга бо-тирилган чўтка билан

чўткаласангиз, яши тозаланиб, ранги тиниқлашади. ***

Сутни ўз вақтида пиширишга улгурмаган бўлсангиз, уни пишириш олдидан 5-6 томчи намакоб қўшиб юборсангиз, чиримайди. ***

Мевалардан мураббо пиширганингизда, албатта бир қошиқ лимон кислотаси солиб юборсангиз, мевалар қотиб пишмайди.

ДИЛБАР тайёрлади



Дераза

ЯЛТИРОҚ НИҚОБ

Қозон шаҳрида хориж ширинликлари оммавий тарзда ахлатхонага олиб бориб тўқилди. Сабаби: Республика санэпидстанция хизмати хориждан келтирилган, шаҳар магазинларида со-тилаётган 5 минг тоннадан ортиқ кон-фет, вафли, шаколад сингари ширин-ликларни истеъмол учун яроқсиз, согликка хавфли деб топди.

Дарвоқе, мамлакатимизга хусусий тижоратчилар келтираётган хориж ширинликларининг ҳаммасини сифатли деб бўлмайди. Шу боисдан, хориж ширинликларининг ялтироқ ниқобига уч-масдан яхшиси бозорлардаги юртимиз неъматларидан танавул қилинг. Бу са-ломатлигингиз учун ҳам, иқтисодингиз учун ҳам фойда.

... ИНСОФИ БИЛАН БЎЛИ

Москванинг энг бообрў тўрт нафар ўғрибошиси «қайта қуриш идеологи» Е. Лигачевга «Очк хат» ёзишди. Ўғрибошиларнинг арз қилишича энг оғир замонларда ҳам «тепадагилар» уларнинг тушумидан 30 фоизини олишган. Ҳозир эса «топганларининг» 50 фоизи «солиқ»қа кетаяпти. Агар ахвол шу тарзда давом этса Россияда яқин орада ўғриланадиган нарсанинг ўзи қолмайди.

Ўғрибошилар Егор Кузмишдан ҳукм-дорларни инсофга чақиритиши илтимос қилишди.

ЯХШИСИ ИЧМАГАН ВА ЧЕКМАГАН МАЪҚУЛ

Ҳамдўстлик мамлакатларида нима мўл-кўл — спиртли ичимликлар ва та-маки маҳсулотлари. Иқтисодчиларнинг таъкидлашича, жуда катта миқдордаги ушбу маҳсулотлар четдан контрабанда йўли билан келтирилмоқда. Натижада ҳам давлат хазинаси, ҳам одамлар соғлигига зарар етмоқда. Шу боисдан Россияда 1995 йил 1 январдан бошлаб тамаки ва спиртли маҳсулотларига ак-циз йиғими маркаси жорий этилиши мўлжалланмоқда. Энди ҳар бир кути сигарета, ҳар бир шиша спиртли ичим-ликда акциз маркаси елимланган бўлди. Бунинг маъноси нима? Бирин-чидан, маҳсулот ўғирлик ёки қалбаки бўлмайди, давлатга солиқ тўланади, ик-кинчидан, одамлар соғлигига етаётган зарар камаяди.

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Эроннинг Мозандарон вилоятида икки нафар эркак тошбўрон қилиб ўлдирилди. Улар бир ожизани ўғирлаб қочишган ва зўрлашган экан. Тошбўрон қилиш қанчалик тўғри-билмадик. Ле-кин шайтоннинг йўлига кирган кимса-га бу жазо ҳам кам.

ҲАЛИ ЎРГАНИШМАГАН

Чикаго Университети олимлари маъ-лумотига қараганда дунёдаги энг эҳти-росли одамлар голландлар экан. Энг эҳтироссиз одамлар эса британиялик-лардир. Афтидан, Марказий осийлик-лар табиатини ўрганиш Чикаго олимла-рининг назаридан четда қолган.

ХОРИЖИЙ МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

ЯЛТИРОҚЛАРИМИЗ!

Хонадонимиз таянчи, меҳрибонимиз **Мели МАҲКАМОВ!**

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбдан табриклар экан-миз. Сизнинг оилага бўлган муҳабба-тингиз, садоқатингиз, камтарлигингиз, халқимиз маънавиятини янада бойитиш йўлидаги фидойиллигингиз биз учун доимо ўрнатилган бўлади деб ишонтираемиз. Бахтимизга ҳаммиса соғ-саломат бўлинг!

УМР ЙЎЛДОШИНГИЗ ВА ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ Тамарахон, Анварбек, Авазбек, Содиқжон, Хумо-раҳон, Хуснораҳон, Биллурхон ва на-бираларингиз Ҳилолаҳон, Сарварбек. ***

Суюкли синглимиз Мунира!

Биз акаларинг, сени таваллуд ку-нинг билан та-бриклаймиз. Мус-тақкам соғлиқ, бахтли турмуш тилаймиз. Юзла-рингдан қувноқ кўлиг ҳеч арима-син.

Фахриддин, Фазлиддин, Фарҳод, Фаттоҳ, Тошкент шаҳри.

МУҚАДДАС!

23 эшингиз муборак! Умрингиз зид-да, бахтингиз баркамол бўлсин, ҳаётингиз улуг вазирларга тўйсин. Доимо соғ-саломат юринг.

ХОНЪУВИ, Тошкент шаҳри ***

Хурматли ва қимматли дўстимиз

АКРАМЖОН!

Сизни 30 ноябрда 24 ешга тўлишингиз муно-сабати билан чин қалбимиздан та-бриклаймиз. Кела-жакда неки орзу қилган бўлсангиз барчасига ети-шинг. Осузда ҳаёт кечириб, доимо хурмат-иззатда юринг.

ДЎСТЛАРИНГИЗ, Зангиота тумани, Ибодулла Мусоев қишлоғи. ***

Азиз дўстимиз Рустам НАМОЗОВ!

Сизни 26 ноябрь таваллуд топган кунингиз билан дилдан табриклай-миз. Сизга соғлиқ, бахт, омад, узоқ умр тилаймиз. Саодат, Абдуҳамид Дадажонов ва Тошкент Қишлоқ ҳўжалик Аграр университети 138-гу-руҳ талабалари. ***

Хурматли курсдошимиз

НИЛУФАРИ!

Сизни 27 ноябрь тўғилган кунин-гиз билан табриклаймиз. Сизга доимо тан-сиҳат, хотиржамлигини тилай-миз. Қалбингизга бедорлик, қаламингизга қўдрат ато этсин. Тан-гри Сизни икки дунё саодатига му-шарраф қилсин.

ТошДД журналистика факультети, III-босқич талабалари. ***

ОИЛА

28 ЁШДА

Тошкент шаҳрида яшайман. Шахсий 2 хоналик уйим бор. Заводда иқтисодчи бўлиб ишлайман. Уй-рўзгор ишларининг ҳаммасига укуним етади. Турмушга чиқмаганман. Худлас барча нарсам етарли бўлса-да, ёлғиз бахтдан бебаҳраман. Чи-ройли оила қуриш, ширин-ширин фарзанд-лар тарбиялаш ягона орзум «Оила-382» мактубларингизни кутади. ***

32 ЁШДА

Наманган вилоятиданман. Турмушга чиқиб ажрашганман, соғлигим яхши, 3 ёш-ли кизим бор. Ҳозирча ота-онам билан бир-та яшайман. Қайси вилоятдан бўлса-да бахтимга мени тушундирган 32—40 ешгача бўлган киши чиқиб қолса, тақдирини у киши билан боғламоқчиман «Оила — 383»

Сўхбатдошим Акбарали ОЧИЛОВ, жуда кўнгли очиқ инсон. Камтарлиги, камсуқумлиги бор. Ҳолбуки, миллат деб ҳамisha жон койишадиган, ўзбекининг юкини ерда қолдирмайдиган мард ўғлонлардан бири. Биз севиб тинглайдиган кўп ва хўб қўшиқлар муаллифи, ижрочиси. Гарчи, "ўзимни шоир ҳам, хонанда ҳам деб билмайман" десалар-да, аслида у киши ижро этган қўшиқлар миллат мухлислар тилида, дилида такрорланиб юради, ушшоқ аҳли қаламидан кўнгли изҳори бўлиб томиб, машуқалар юрагини ўртади. Ҳозирда Ўзбекистон Радиоси орқали берилган энг оммавий эшиттиришлардан бири бўлган "Аланга" ижодкорларидан бири.

Хуллас... Мана менинг сўраганим ва Акбарали аканинг жавоблари:

— Акбарали ака, мамлакатимизда "Аланга" радиоэшиттириши кириб бормаган хонандон бўлмаса керак. Тингловчилар деярли ҳар кун бу эшиттиришни тинглашади ва эшиттиришни тайёрлаганлар рўйхатида сизнинг номингизни ҳам эшитишади. Мухлисларингиз табиийки, сиз ҳақда билишни истайдилар. Ўзингиз ҳақингизда нималар дея olasиз?

— Ҳамма тенгдошларим каби собиқ шўролар даврида туғилдим, боғчасида, мактабида, институтида ўқидим шаклландим. Тошкентнинг қадимий маҳаллаларидан "Қамолон"да болалигим, ешлигим ўтди. Шу ердаги 76-мактабда ўқидим. Сўнг Тошкент Театр-рассомчилик институтида таълим олдим. Театр санъатининг актёрлик ва режиссёрлик мутахассислигини эгалладим. Айни пайтда ўзбек радиосида режиссёр бўлиб хизмат қилмоқдаман.

Қисқача, шу.

— Ўзингизнинг меҳнатингиз сизнинг эшиттиришлар ҳақида ҳам кенгроқ тўхталиб ўтсангиз.

— "Аланга" ўсмирлар ҳаётининг кенг қирраларини очиб беришга, ўсмирларни тўғри шакллантиришга, мустақил фикрлашга ердан бериш учун хизмат қилади. Мен билан биргаликда журналистлар Муаттар Усмонова, Ҳошимжон Мирзаахмедов, Шукур Курбоновлар ижод қилишади. Улар бирор-бир мавзунинг ёритган сценарийини тайёрлаб беришгач, мен уни радио тилига кўчираман, яъни еш суҳандонлар билан бирга ишлайман. Улар матнни ўқишда фалол қатнашади. Сўнг мен мавзуга мос куй-қўшиқлар танлаб оханграбо тасмасига муҳрлайман. Менинг вазифам шакли ана шулардан иборат.

Индаллосини айтганда, радиоэшиттиришлар бир нафасда ўтиб кетсада, уни тайёрлаш жараёни анча ўзига хос машаккатларга, қийинчиликларга эга.

Буни шу соҳа мутахассислари яхши тушунишади.

— Акбарали ака! Билишимча иш фаолиятингиздан ташқари шеър ёзасиз, қўшиқ айтасиз. Нега шеърларингизни матбуотда эълон қилмайсиз еки кўшиқларингизни тўппам [кассета] қилиб чиқармайсиз!

— Авваломбор, ўзимни шоир ҳам, хонанда ҳам деб билмайман. Шеър ёзиш еки ашула айтиш мен учун тиркичилик манбаи эмас. Қолаверса, шеър ёзсам ҳам улар матбуотда эълон қилиш даражасида эмас. Мен буни ўзим яхши тушунаман. Тўртта-бешта сўзни бирлаштириб, кофиясини кел-

ҳаёт тўлқинига фарқ бўлишга қувват оламан.

— Сизни ҳаётда нималар кўпроқ ташвишга соладию, нималар севиштиради?

— Баъзи кишилардаги тубанлик, жаҳолат, маънавий интиқлик, мени ташвишга солади.

Севиштирадиган нарсалар, авваломбор Умид, мустақиллигимиз билан боғланган умид.

— Эзгуликни сиз



"АЛАНГА" ИЖОДКОРЛАРИДАН БИРИ

тиришнинг ўзи билан шоир бўлиб қолмайсиз. Бу анча мураккаб жараён, деб ўйлайман. Менимча, шоир бўлиб туғилиш керак. Кўпинча шоирлар билан ҳамкорликда ижод қилишни маъқул кўраман. Шоирлардан Сабриддин Садриддинов, Шукур Курбон, Абдумалик Набиевлар билан ҳамкорлик қилаяпман. Абдумалик Набиев билан яқинда "Ҳижрон" номи билан туркум қўшиқлар яратдик. Мухлислар эшитган бўлса бордир.

— Қўшиқ айтиш сиз учун кўнглинчар машғулоти е кўнгли эҳтиёжими?

— Қўшиқ яратиш мен учун руҳий-маънавий эҳтиёж. Дардларимни қўшиққа соламан. Шу орқали енгиллашаман. Таъбир жоиз бўлса, яна

кўзламаган ҳолда қилинган яхшилик. Менимча эзгулик тушунчаси шундай бўлса керак. Эзгулик қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун олийжаноб бўлиш керак. Том маънода зиёли бўлиш керак. Ижтимоий келиб чиқиши е бўлмаса инсоннинг жамиятдаги тутган ўрнининг бунга алоқаси йўқ. Оддий инсон бўлиб ҳам эзгулик тарқатувчи бўлиш мумкин.

— Дам олиш онларингиз қандай кечади?

— Очигини айтсам, дам олишни билмайман. Бир хил одамлар сайрга чиқишади, тоғларга йўл олади, чет элларга сафар қилади (агар пули кўп бўлса). Мен бундай қилмайман. Ор-

қандай таърифлаган бўлурдингиз!

— Беғараз, беминнат, ўз манфаатини

тиқча пулим ҳам йўқ. Лекин, энг яхши дам оладиган пайтларим дўстларим олдига ўтади. Фалсафий сўхбатларни ектираман. Сўхбатлашни ва фикрлаш учун мавзуси жуда чекланган одамларни умуман ектирмайман. Эътибор бермайман унақаларга. Тафаккуримиз ва руҳиятимиз билан инсонмиз-да. Ҳайвондан фарқимиз ҳам шу бўлса керак.

— Оилангиз хусусида ҳам...

— Оиламиз катта эмас. Онам борлар — илоий умрлари узок бўлсин! Ака-ука, опа-сингиллардан худо бермаган. Отам болалигимда қазо қилганлар. Жойлари жаннатда бўлсин. Дўхтир эдилар. Болалар дўхтири. Уйлангунимча она-бола яшаб келдик. Ҳозир икки нафар бола бор. Ўғлим — Жавоҳир, бу йил 110-мактабнинг 1-синфига ўқишга борди. Қизим, Муштарий боғчага қатнайди.

Рафиқам Саодат — иқтисодчи. Саноат-қурилиш банкида хизмат қилади.

БЎЎҒИ ЭРКАКЧИЛИК...

Одам такдирида нелар борлигини қаердан ҳам билиш, бундан ўн бир йил илгари саккизинчи фарзандингиз Жўрабек дунегга келганида қанчалар суюнгандингиз. Саломатлигингиз ҳам бу қадар емон эмасди. Аксарият оналарга хос бўлган дармонсизлик, камқонлик... Шифокорларнинг эса сизга яхшилик қилгилари келди чоғи, қонингиз бир оз камлиги сабаб қон қўйишди. Вужудингизда бир қарахлик, оғриқ туйдингиз, о е қ л а р и н г и з, қўлла р и н г и з ўзингизга бўйсунмай қолди. Яна халоскорларингиз дада беришди:

— ўтиб кетади, кучингиз йўқ-да... Лекин хасталик ўтиб

кетмади. Бутун вужудингизга чирмашигандан чирмашиверди, кейинги муолажалар, югуришларнинг бари бефойда кетди. Тошкентда қилинган операциядан сўнг эса ҳасса ҳам суяк бўлолмади. Тушакка мизландингиз.

Мана 11 йилдирки сизни Мурод аканинг муҳаббати, фарзандларингизиззати асраб-авайлаб келаяпти. Лекин шунча йиллар Мурод ака бирор марта ранжирмадилар. Аскинча сизнинг соғайишингиз ташвишини қиладилар.

"Биз Тошкентга, профессорга кўринишга бордик, у одам бешинчи қаватда яшаркан. Машинадан тушишимиз билан Мурод ака мени кўтариб чиқди. Кўриниб қайтиб чиқсак, вокзалга борадиган бирор машина учрамаса буладими. Орани яқин дейишди. Яна Мурод ака мени кўтарганча вокзалга қараб йўл олди. Шундай ҳижолат буламан. Ўтган ҳам, кетган ҳам бизга қарайди. Мурод ака қора терга ботиб кетган. Яна менга "Бирор ерингиз оғримаяптими" дейди".

Махфират она, бу сўзларни шунчаки тинглаб буладими? Бу ҳолатларнинг ўзи эзуликдир, муҳаббатдир! Бу оламда тани-жони соғ лекин бахти ярим, аҳди ярим аёллар камми? Сиз эса жисмонан носоғ

булсангизда руҳингиз тегик. Бахтингиз бутун.

Бир кун хузуримга бир аёл йўлаб кириб келди. У билан сўхбатлашгач... эрини ҳам топиб гаплашдим.

— Ҳа, энди аелиминг соғлиги емонроқ, буюғи эркакчилик — дейди у.

Очиги, бу эркакча нима дейиши мумкин, хиенатнинг энг олий нуқтасига чиқиб олиб, тағин эркакчиликни пеш қилса... бундан ортиқ қабиҳлик борми? Эрининг бу сўзларини эшитган хотиннинг соғ вужуди пора-пора бўлмайдишмики?..

Махфират она, аслида ана ушалар-ку қалби ногиронлар, юраклари юпунлар. Уларнинг тўрт мучаси соғ, бироқ қалб йўқ уларда. Яхши деб олган, яхши кунлари бирга ўтган хотинининг касаллигини рўқаб қилиб, ҳақорат этса... Мен бундай инсонлардан ҳазар қиламан.

Мурод ака, мен сизнинг, сизга ўхшаганларнинг кўнглини чинни пиелага қиеглайман. Ва ҳамisha ана шундай жаранглаб, тиниқ бўлмоғини истайман.

Яхшилар мадади, покиза муҳаббат мадад булади-ю, албатта сиз оёққа тура-сиз, Махфират она!

Академик Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов фанимиз соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришган. Саксон баҳорни қаршилайётган домламининг ўтмиш хотиралари ҳам бир олам. Сўхбат жараёнида эса ўша оламга олим билан бирга сайр қилишга тўғри келди.

— Болалигингиздан илм-фанга қизиқиб келгансиз. Мабодо бунга шоир-табиат, жадиднамо тоғангизнинг таъсири бўлмаганми?

— Тоғаннинг илмимга ҳам, ҳаётимга ҳам таъсири катта бўлган. Доимо биздан ҳол-аҳвол сўраб, хабар олиб турардилар. Қазо қилгунларига қадар (тахминан 93-94 ешларда) ҳар йили тоғанниқига бориб турардим. У кишининг зеҳни жудаям ўткир ва шеър ёзишга ҳам иштиёқи балаид бўлган. Қисқаси, мен илмда кўпқиррали бўлсам, у ҳаётда кўпқиррали эди.

— Оилангиз билан яқиндан таниш-тирсангиз.

— Беш нафар фарзандим бор. Тўрт ўғил ва бир қиз. Худого шукр, барчаси ҳаётда ўз ўрнини топиб олишган.

— Айтишларича, қайсидир хариндошингиз Худоевхон ўрдасида мансабдор бўлган экан. Шу гап ростми?

— Бобомни Саримсоқ амин дейшарди. Унинг амакиси ҳақиқатан ҳам Худоевхон саройида ишлаган. Яъни, хоннинг тугбардори бўлган. Бобом доим у ҳақда фахрланиб гапирарди.

— Тажрибали педагог сифатида айтишчи, талабаларингизнинг сиздан кўнгли совиган ҳолатлари ҳам бўлганми?

— Аввало ҳар ким ҳар хил табиатли. Шундан келиб чиқадиган бўлсақ барча, талабалар билан бир хил муносабатда бўла олмайсиз-да...

— Домла, 27 ёшда профессор унвони олган экансиз. Бу ишда устозларингиздан қийинги меҳнати кўп синган деб ўйлайсиз?

— Барча эришган муваффақиятларимда устозим Романовскийнинг хизматлари беқисс бўлган.

— Спортнинг футбол соҳасига меҳрингиз бўлачқа экан. Хатто ёшлигингизда таниқли шоир Усмон Носир билан тўп суришибсизлар. Шу ҳақда...

— Адашмасам ўшанда 10-11 ешли бўз бола эдим, Маҳалламинг командаси ҳазориди мен ҳам Усмон Носир маҳалласининг футбол жамоасига қарши тўп сурганман. Усмон Носир футболни анча маҳорат билан ўйнади. Биз кўчиб келган Қўқон шаҳри футболнинг макони эди. У пайтлар Қўқонда «Мусулмон командаси» деб номланган кучли футбол жамоаси бўларди. Қизиги, бу жамоада иштирокчиларнинг бари ўзбек бўлиб, ҳар қайсида футболдан ташқари албатта бирон ҳунари бўларди.

— Домла, нега айнан математикага қизиққансиз? Дадангиз, ақангиз, умуман оилангизда кўпчилик савдо соҳасига қизиққан-ку, ахир.

— Дастлаб эски мактабда ризиеет ил-

мини ўргандим. Кейин Москвага бошланғич мактабга кириш учун бордим. Ва у ерда дадамнинг таниши бўлган Кашиннинг оиласида яшадим. Кашиннинг ўғли бир ярим йил давомида мени мактабга тайёрлади. Шу жараёнда у менга кўпроқ мате-

матикани ўргатиб, катта масалалар



Т. А. САРИМСОҚОВ дўстлари даврасида (Чандан биринчи)

тўпламини ечдирди. Мактабга қабул қилишларига ҳам математикадан бешга имтиҳон топширганим сабаб бўлганди. Шунинг учун математикага қизиққан бўлсам керак. Бироқ, уруш даврида сеvimли математикадан метеорологияга оғиб кетишимга сал қолган.

— Ҳиндистоннинг собиқ бош вазири, мархума Индира Гандига ўзбек атласидан тортиқ қилган экансиз. Сизни ҳам ўз навбатида бирон чет эллик давлат раҳбари шундай сийлаганми?

— Филиппинга борганимда давлат президентининг хотини қабул қилганди. Ва учрашув сўнггида у менга ажойиб бир кўйлак совға қилди. Ёз бўлди дегунча ўша кўйлакни кияман.

— Домла, тўйингиз уруш даврига тўғри келган экан. Қай тарзда кечганлигини бир эсласангиз?

— Қаранг-а, болам, ўша пайтлар ҳам ширин бир хотира бўлиб қолди. Ҳаммаси гўё кечагина бўлгандек. Хуллас, Турсуной холагиз ҳам дорифунунда ўқирди. У билан танишиб-танишмай армияга кетиб қолдим. 1942 йилда армиядан бўшатишди.

1943 йилда эса, хатто партиясизлигимнинг ҳам суриштирмай дорифунунга ректор қилиб тайинланди. Буни қарангки, иш билан, илм билан овора бўлиб, уйланиш ҳаёлга ҳам келмабди. Ва ниҳоят, ректор 1944 йилда тўй қилди. Тўй-ку ими-жимиди ўтди. Бироқ яшаш жойимиз муаммоли бўлганлиги сабаб собиқ ректорнинг дорифунун ховлисида жойлашган уйига кўчиб ўтдик, қўйдик.

— Эскичадан ҳам озмунча хат-саводим бор, дедингиз. Булар ҳаётингиз да-

— Мана сиз 30 га яқин хорижий давлатларда бўлгансиз. Қанақа хорижий тилларни биласиз?

— Немисчага сал уринганман. Бошқаларини эса лугат орқалигина эплыйман. У даврда тил ўрганишга вақт ҳам, зарурат ҳам бўлмаган.

— Ишдан бўш пайтларингиз яйраб дам олишни ҳам ўйларингиз?

— Албатта. Кўпинча таътилда тоққа саёхатга чиқардик. Ўртоқларим билан Помир, Тянь-Шань тоғларида сайр қилганмиз.

ЮКСАК ҚОБИЛИЯТ СОҲИБИ

вомида ҳеч қўл келганлигини эслай ола-сизми?

— Келинг бўлмаса, хорижда юрганда бўлган воқеалардан бирини эслайлик. (Мисрда) Гапига кучи етмайдиган бир-иккита олифта бизнинг делегациядаги одамларга писанда қилиб, Куръонни кўрсатди-да «ким ўқий олади» деб кинояли қулди. Шунда камина Куръони қаримни нафақат ўқиб, тиловат қилиб, балки айрим сураларини еддан айтиб уларни доғда қолдирган.

Чунки мен эски мактабда илк тарбия кўрганам боис, худодан юз ўғирмаганман. Бунинг устига онам раҳматлик маҳалламингизда «отинча» деб ном чиқарганди. Ҳар доим уйимизда аёллар йиғилишиб, онамдан диний китобларни ўқиб беришни сўрашарди. Буларнинг таъсири натижасиз қолмаган, албатта.

Шунингдек театрларга мунтазам бориб турардик. Концертларга тушардим.

— Домла, кўпчилик ёзувчи, шоирлар билан яқиндан таниш бўлгансиз. Мабодо ўзингизда ҳам бадий ижодга қизиқиб бўлмаганми?

— Машҳур ёзувчилардан Ойбек, А. Қаҳҳор, Ғ. Гуломлар билан анча яқин бўлганмиз. Уларни жудаям ҳурмат қилардим. Бадий ижодга эса қизиқишим, таъбим йўқ. Чунки ўзининг «ижодим» етиб ортган.

— Ўсиб келаётган ёш авлодга кўпни кўрган инсон сифатида нима маслаҳат берадингиз?

— Аввало ота-онани ҳурмат қилсинлар. Биронинг ҳақиқатга хиёнат қилиш ярамайди. Шунингдек, бир ишга бошладимиз кут ва чидам билан охирига етказсин, дейман.

— Раҳмат, домла. Илоҳим бир асрлик тўйингизда хизмат қилайлик.

Алижон САФАРОВ

Панжара

ЖОН УКАМ...

Бир она қорнидан таланиб тушган бандалар ҳаётда ўзаро қўмақдош бўлиш ўрнига бир-бирига тиг ўқталиб турса, бундан ортиқ фожиа бўлмаса керак. Каттақўрғон шаҳрида яшовчи бир оила аъзолари ҳам дардини кимга айтишни билмай доғдаб қолишди.

Дарвоқе, мазукур шаҳарнинг Ф. Ҳўжаев кўчасида истиқомат қилувчи, биноидек обрў-этиборли ака-ука орасидан қора мушук ўтди, ҳар нечук бир-бирига таш бўлди-қолди. Жанжалдан чиққан фалокат шу бўлдики, ака, уқанинг чап бикинига пичок санчиб олди.

Уқасини бемаврид ўлдириб қўйган ака «жон укам» деб йиғладими, йўқми бизга номаълум. Аммо, прокуратура ходимлари қотил ақанинг устидан жинойи иш кўзга тиди.

ЖОН АКАМ...

Бухоро вилоятининг Гази шаҳрида ҳам худди мана шундай воқеа содир бўлди. Гази шаҳрида яшовчи 34 ёшли йигит ақасининг уйда меҳмонда бўлиб, ўзаро жанжаллашиб қолган, ақасини бўғиб ўлдирди. Шундан сўнг жиноят ишми яшириш мақсадида жа-судни қўйдириб, шахар чеккасига кўчиб қўяди.

Ғалати томони шундаки, бу муқдих воқеа хусусида мархумнинг турмуш ўртоғи раппароса 22 кундан кейин ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Прокуратурада олиб борилаётган тергов ишида мана шу жиҳатлар ҳам батафсил ўрганилмоқда.

АЙБЛИНИНГ ОЕГИ ҚАЛТИРАДИ

Тошкентнинг шимоллий вокзалида одам кўп. Кимдир у ёққа югурса, бирор бу ёққа чопади. Айримлар ўтириқчиларни ўзига бир-икки куплик «қароргоҳ» қилиб олди бамайлик-хотир уйқуни уравелади. Шундай пайтда ички ишлар ходимлари ёнидан олазарак боқиб ўтиб кетган йигит уларда шубҳа уйғотди.

Шу йигитнинг бир балоси бор-ов, деб тавонсирган ходимлар у билан яқиндан танишмоқчи ният қилиб, «Ҳей ука, бир дақиқа мумкинми» деганида йигит шўрлик товоғига-ча зирқираб кетди. Оёғининг қалтирашига қараганда бўйида айби борга ўхшайди, деган ўй ҳаёлидан кечган ички ишлар ходимлари унинг айбини сумкасида топишди.

Дарвоқе, ўзини Сирдарёнинг Ширин шаҳридан деб таништирган бу йигитнинг сумкасида роппа-росса бир килою юз грамм қора дори тиеванди моддаси топилиди.

НАМНИНГ ҚУЗЛАРИДАГИ НАМ

Азми Тошкентнинг жанубий темир йўл вокзалидаги ҳолат ҳам худди шимоллий бекадлагага ўхшайди. Ҳаммасқ гала-говур, Кўпчилигидида қандай қилиб, манзилнинг тезроқ етиб оласан экан, деган катта ташвиш.

Ажабланиларис шунаки, бу одамлар орасида, қандай қилиб етказиб оласан экан, деган ниятда юрувчилар ҳам бор экан. Шундайлардан бири ички ишлар ходимлари қўзига «аҳин кўриниб» кетди деди, Шўрхўқ милиция ходимларидан бири секингина унинг санига бориб, «қанан бир танишкит» деганини биланди, бечора тошлай қотди. Бақрайган қўзига жикка еш келди.

Милиционер тўсатдан қўзларни наманган нота-ни кишининг паспортини очиб қараса, фамилияси Нам экан. «Ис, гап бу ёқда экан-да» деб, унинг қўзи нам бўлганига эди унча эътибор бермай, сумкасини очиб қўришди. Сўнг эса, қозилар таниш бўтув-лий боқиб товоғга бурқлар. Намнинг сумкасидадан пақид бир килою тўрт юз грамм паша чиқиб қолди.

«Оила ва жамият» 45 (168)

Иймон калимаси кишиларимиз тилидан тушмай қолди. Уни гоҳида тушунар-тушунмай, гоҳи эса ноҳолис кимсалар томонидан соддадил мусулмонларни атай чағитиш учун ишлатиш расм бўлиб кетди. Бу ҳол аслида бошнинг ҳодиса бўлган Иймоннинг турлари ҳақида қироий қисқача бўлса-да аксар мўминларни огоҳ қилиб қўйиш заруратини келтириб чиқарди, фикри ожизмча. Иймон калимаси асли арабча бўлиб, унинг луғавий маъноси ишонч, шонши, шонмоқчи билдиради. Тилимизда бу калима айни маънода кенг қўлланилади. Масалан, ҳар бир ўзбек ўз ҳаёт тажрибасига суяниб, бирор фикр-мулоҳазани бировга маъқулламоқчи бўлса, "Иймоним қолима..." — дея гап бошлайди. Исломиётда бу калиманинг ўзгача истилоҳий мазмуни бўлиб, Оллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ Муҳаммад (алайҳиссалом) унинг пайғамбаридир дея эътиқод қўлмоқликни англатади. Аммо унинг шаръий маъноси эса айни ақиданинг ҳақиқат эканлигига тил билан иқрор бўлиб, қалб билан тасдиқлашни билдиради.

Ислоий Иймон эътиқод тариқасида бандога қаердан келгани, нима учун келгани ва қаерга кетажасини аниқ-равшан кўрсатиб, еттишга ақидога, ҷунончи, Оллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, барча пайғамбарларга, охиратга, тақдирнинг илоҳийлигига ва ўлгандан кейин қайта тирилишига қаттиқ ишончини билдиради.

Уламоларнинг таснифича, исломий Иймоннинг қўйидаги турлари мавжуд:

ИЙМОНИ МАТБУЪ

Кўзингизга ташланган бу бирикмадаги матбуъ сўзи киши дили-таъбиға мос келадиган, маъқул деган маънони англатади ва бу турдаги иймон фаришталарга хосдир. Ислоий эътиқодга кўра, борлик иккига бўлинади. Бир — "Олами шаҳодат". У бизнинг кўзимизга кўринадиган еки турли асбоблар воситасида илғаб олинадиган жамики нарса ва мавжудотларни ўз ичига қамрайди. Бошқаси эса — "Олами гайб". У руҳлар оламидан таркиб топади. Фаришталар ана шу оламнинг намояндаларидандир. Ҳозирги замон фанининг биоқувватхобор деб юритиладиган тармоғи оламнинг бу тарзда бўлинишини тасдиқламоқда.


Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифларнинг далолатига биноан, фаришталар нурдан яратилган. Уларнинг ихтиерлари ўзларида эмас, то қиёматгача Оллоҳга тоат-ибодатда қоим туришади, унинг амру фармонларини адо этишга ҳамisha шай бўлишади. Улар ҳар қанақа гуноҳлардан холи, емак, ичмак, болачақа қилиш сингари нафсоний хислатдан фориғ бўлишади, уларда жинсий айирма йўқ. Улардан энг машҳурлари Жабрoил, Микoил, Исрофил, Азроил, Мункар ва Накирлардир.

ИЙМОНИ МАЪСУМ

Поклик ва тозалик тарзида таърифланадиган бу номдаги иймон пайғамбарларга мансубдир. Улар инсонлар орасида энг суюқли, бағоят обрў-эътиборли ва энг юксак фазлу камолотга эришган бандалар бўлиб, Оллоҳ билан бандалар ўртасида воситачилик ва элчилик хизматини адо қилишган. Ҳасад қилиш, сўзи бошқоқо иши бошқалик сингари ёмон одатлар уларда бўлмаган, елгондан бутун вужудлари билан ҳазар қилишган. Оллоҳнинг хоҳиши-иродаси-ла улар бўлади деган нарсалар бўлган, бўлмайдиганлари эса бўлмаган. Одамлар орасида энг ишончли кишилар бўлишган, улар ҳеч қачон омонатга хиёнат қилишмаган. Беистисно, ҳамма пайғамбарлар то уларга ваҳий келгунга қадар ҳам оқил, зийрак, покиза, ёмондан йироқ, Оллоҳга яқин кишилар бўлишган. Насл-насаблари томонидан улар ўзлари мансуб жамоанинг устунларидан ҳисобланишган.

ИЙМОНИ МАҚБУЛ

Мақбул — қабул қилинган деган маънони билдиради ва бу тур иймон мўминларга тааллуқлидир. Мўмин деганда иймоннинг юқорироққа санаб ўтилган еттишга ақидасига сидқидилдан ишонган ва уларни ўз шахсий ва ижтимоий турмуш тарзининг амалий дастури қилиб яшайдиган бандо тушунилади. Оллоҳнинг ва



Муҳаммад алайҳиссаломнинг амру фармонларига бўйсуниб, таслим бўлганга мусулмон дейлади. Кўпинча, мўмин билан мусулмон истилоҳлари айни маънода қўлланилади.

Иймони мақбул ўз соҳибини турфа ёмонликлардан, хилма-хил ёмон ўй-фикрлардан узоқлаштиради. Унинг дилига ёмонлик киролмайди, у ёмонликдан қочади. Зеро, у ўзининг ҳар бир қиладиган иши, қўядиган ҳар бир қадамини, кўнглига келадиган ҳар бир ўй-ниятини Оллоҳ таоло кўриб ва билиб турганига ҳамда буларнинг ҳар бири учун бир кун-қиёматда Тангри ҳузурини ҳисоб беражағига қаттиқ ишонади. Шу вайдан мўмин-мусулмонни ҳеч ким ва ҳеч қачон тўғри йўлдан оздиролмайди. Мабодо е адашиб, ехуд тасодифан бирор гуноҳ қилиб қўйса, дарҳол Оллоҳга тавбаю тазарруъ қилиб, келгусида бундай қилмаслик тадоригини кўради.

ИЙМОНИ МАВҚУФ

Айни ўриндаги мавқуф сўзининг асл

маъноси тўхтатиб қўйилган, боғли бўлиб, бу турдаги иймон аҳли бидъатга, яъни бидъатчиларга мансубдир. Бидъат лафзининг асли арабча бўлиб, янгилик, янгидан расмийлашган деган маънони англатади. Бидъатчи сўзининг истилоҳий мазмуни ислом асосини ташкил этадиган машҳур етти ақидадан бирортасини — Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифлардагидан ўзгача, яъни, янгича талқин қилишга ехуд мусулмончилик маросимларига янгилик киритишни, баъзан эса хурофий тасаввурлардан келиб чиқиб ижро қилинадиган, аслида қадимги жоҳилия даврларидан суяк суриб келаятган сарҳит амаллар, ирим-сиримларни англатади.

Ислоий ақидаларни янгича талқин этиш мусулмон кишиларни алаокибатда кўфр ботқонга биткизиб, ислом динидан

сезмаганлари холда фақат ўзларини алдайдилар" ("Бақара" сураси, 8-оят).

Расули Акрам (С. А. В.) риёкор кимсаларнинг аломатлари ҳақида ўз Ҳадисларида марҳамат қилиб айтдиларки: "Мунофиқнинг учта аломати бордир: сўзласа, елгон сўзлар; ваъда қилса, бажармас; омонатга хиёнат қилар".

"ИЙМОН"И ТАБИЙЙУН

Айни ўринда иймон калимаси кўштирноқ ичида ишлатилди, демакки, у мутлақо шартли равишда тушунилмоғи даркор. Зеро, табииййунлар, яъни табиат-парастларнинг ишончи елғиз луғавий жиҳатдангина иймон сўзига мос келлади, аммо унинг исломиятдаги истилоҳий ва шаръий мазмунига батамом эйд, тескари маънони англатади. Моддиончи табиат-

ИЙМОНДАН ИЙМОННИНГ ФАРҚИ БОР...

чиқишга олиб борса (масалан, тарихда исомийлар ва азрақийлар, ҳозирги замонда аҳмадийлар ва баҳоийлар таълимотлари), ислом дини чегарасидан чиқмаган холда мусулмончилик маросимларини янгилашга уриниш еки хурофий амалларни бажариш мўмин бандаларни гуноҳга етаклайди, бу эса иймонни заифлаштиради, ноқис қилади. Биргина мисол, шариятга кўра, бирор мўмин қазо қилса, унинг жасадини ювиб, қафанлаб, жанозасини ўқиб, дафн этиш, унинг қарзлари бўлса — тўлаш, шариятга мувофиқ келадиган васиятларини адо қилиш вожибдир. Ҳозирги кунда марҳум хонадонда аввалига сидирғасига уч кун давомида, кейин етти, йигирма, қирк, йиллик тарзида ҳамда Рамазон ва Қурбон хайитлари кезларида қанчадан-қанча сарфу харажатлар қилиб, тўқин дастурхон езиб ўтказиладиган таъзия маросимлари, юзу кўзни юмдалаб, доду фарёд кўтариб йиғи-сиги қилишлар, майит тепасида тахлил туширишлар, қабр устига шам ёқиш кабиларнинг барчаси исломиятда бидъат ҳисобланади.

ИЙМОНИ МУҚАЛЛИД

Муқаллид тақлидчи демакдир. Бинобарин, сўз тақлидчилар иймони ҳақида. Ота-онаси е ўзи шахсан эъвозу хурмат қиладиган кишига эргашиб, ўзини мусулмон ҳисоблайдиган касларга хос иймон шундай аталади. Бу тоифа кишилар фақат шу билангина чеklangиб, ўз иймонларини илму билим олиш йўли билан мустаҳкамлаб бормасалар, эътиқодларини чуқурлаштириш тадоригини кўрмасалар, уларнинг иймон-эътиқоди ўта заиф ва ўзгача таъсирларга берилувчанлигича қолаверади.

ИЙМОНИ МАРДУД

Мардуд сўзи рад этилган, номақбул маъносини англатади ва бу сифатдаги иймон мунофиқларга тегишлидир. Тили бошқоқо дили бошқа, сўзи билан иши бир-бирига тўғри келмайдиган, иккиюзлама, риёкор кишиларни одатда мунофиқ дейлади. "Одамлар орасида шундай кимсалар борки, — дея таъкидланади Куръони Каримда, — ўзлари мўмин бўлмаганлари холда "Оллоҳга ва охиратга иймон келтирдик", дейдилар. Улар Оллоҳни ва иймонли кишиларни алдамқочиб бўладилар ва ўзлари

парастларнинг чўнг эътиқодича. Тангри пуч ҳаёлот меваси, шу вайдан яратувчилик сифати Оллоҳга эмас, балки елғиз Табиатгагина хосдир; оламдаги нарса ва ҳодисалар замирида на ибтидоси ва на интиҳоси бор бўлган абадий материя етади, у ўз қонуниятлари асосида ҳаракатланиб, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, бир шаклдан иккинчи бир шаклга ўтиб, ўзгариб туради, холос. Бинобарин, моддиончи табиатпарастларнинг "иймони" очикдан-очик Худого ширк келтиришдан, демак, кўфрдан бўлак нарса эмас, албатта.

Ислоий Иймон бир бутун рухий ҳодиса сифатида ўзаро чамбарчас боғлиқ уч унсурдан — Эътиқод, Иқрор ва Амалдан иборатдир, булардан бирортаси бўлмаса, бутунлик бўлмайди, демак, том маънодаги Иймон ҳақида сўз юритишга ҳожат ҳам қолмайди.

Индялалосини айтганда, Парвардигори олам пировард натижада кимни-солиҳ (яъни амаллар қиладиган) ва обид (тоат-ибодат қиладиган) банданими еки фосиқ (ёмон ишлар қиладиган) ва гуноҳкор банданими-ерлақайди, мағфират қилади, бунини Изид Таолодан ўзга ҳеч зот билмайди, магарам бандасига бир сабаб билан Яратганининг ўзи билдирмаса.

Атиги биргина мисол, Ҳазрат Ибн Маъсуд розиеллоху анхунинг Умардин ва Умар Зайд ибн Асламга суяниб, ривоят қилишларига кўра, қадимги пайғамбарларнинг умматлари орасида бир обид бўларкан. Ўзи кечаю кундуз ибодат қилар, аммо ўзга одамларни гуноҳкорлиги вайждан: "Сан азобларга лойиққурсан", деб Оллоҳ Таолонинг раҳматидан ноумид қилар экан, ҳамма вақт. Алҳосил, ўша обиднинг ажали етиб, вафот қилди. Олами боқийга қадам қўйгани ҳамона у муножот қилиб: "Худоё манга нима жазо берурсан", — депти. Тангри Таоло тарафидан: "Санга дўзах берурман!", — деган нидо эшитилди. Обид алаmidан йилга: "Ундого бўлса, манинг дунёдаги ибодатим ва ижтиҳодим қайда қолди?" — дея сўраган экан, Ҳақ Таоло айтиптики: "Эй Обид, сан дунёда гуноҳкор бандаларни манам раҳматимдан ноумид қилар эрдинг, шу сабабдан санга дўзах берурман ва ибодатларингни қабул қилмасман".

Илоҳи, биз ожиз бандаларингни рушди ҳидоят йўлидан адашиб кетишимизга иймон берма! Иймони мақбулдан — мўминлар Иймонидан жудо қилма! Омин!

Миён Содиқ РАББОНИЙ

АКС-САДО

“Ярим тун: манкурт телефонда” мақоласини ўқиб унчалик хайратланмадим. Бундй фикрларни 1992 йили илмий доираларда эшитган эдим.

“Аргументи и факты” ҳафта-номасининг 1993 йил 3-сонида, “Москвичка”нинг 1-сонида кўчириб босган ушбу мақолага эътибор беринг-а: “Фалсафа фанлари доктори, эколог-шифокор, психонергетик Т. Дичевнинг ўз мақоласида ўқувчиларни экстрасенслар билан мулоқотда бўлиш натижасида фожеага учраши мумкинлигини олдиндан огоҳлантиради.

“70-йилларда болгар профессори Лозанов тажриба ўтказган эди. Ўз касби кучига кўра жуда ҳам соғлом кишилар танлаб олинади. 10 нафар еш стюардесса, қолганлари разведкачи ва контрразведкачи эркаклар. Ўз гоёсига амал қилиб, профессор Лозанов инсоннинг резерв имкониятларини очиш ёки соғайтириш учун енгил таъсир ўтказиш услубидан фойдаланиш мумкин эмасми-кан, деган фикрни амалга оширмоқчи бўлади. Биринчи сеансдан сўнг ҳамма ўқитилаётганлар хотиралари яхшилланганини, чайқалганларини ҳис этдилар. 2-сеансдан сўнг марказий нерв тизимда, гармонларда бузилиш намоён бўлди, айримларда томир уриши ўзгарди, қон босими кўтарилиб кетди, бош айлана бошлади, қайт қила бошлашди (“Установка”— дастур шундай бўлгач қандай ижобий ўзгариш кутиш мумкин?! — М. Х.) Эркаклар учун беш ва аёллар учун тўрт сеанс ўтказилди. Бу одамлар организмадаги барча бузилишлар вақтинчалик характерга эга эмас эди, аксинча янада ривожланишда давом этди. Янада чуқурлашиб бораётган бу жараёнларни тўхтатишга турли даволаш услублари ердан бермади. Тажриба иштирокчилари 7 йил давомида ҳалиги кишилардан бирортаси тирик қолмаганлигини кузатдилар”. (Жойлари жаннатда бўлсин, шаккоклик қурбонлари — М. Х.)

Ҳар қандай фикр, ҳар қандай ниятда маълум бир мақсад бўлади. Фикрнинг, ниятнинг эгаси қандайдир манфаатни кўзлаб ўз гапини айтади ва мақсадига эришишга интилади. Тодор Дичев ҳам қобилиятли одам. Аммо ўз қобилиятини

қора томонларга йўналтирмоқда. Экстрасенслардан эҳтиёт бўлишга чорламоқда. Психотрон ва психотроп қуроллари ҳақида фикр юритиб, катта шов-шув кўтармоқда. Бу қурол кимнинг қўлида бўлса унинг ютуғи, қандай ниятли бўлишдан қатъий назар. Тодор Дичева қолса, давлатлар ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни тўхтатиб, дўстликни узиб қўйиш керак. Бошқа мамлакатлардан егулик, ичгулик, истеъмол қилгулик нарсалар олмаслик лозим. Дичев

Инсоният пайдо бўлибдики, манфаат юзасидан эгулик ва ёвузлик кучлари ўртасида хоҳ у жисмонан бўлсин, хоҳ у рухан бўлсин кураш давом этиб келади. Буни ижобий томонга ўзгартириш учун кишилар ўртасида (мактабдан бошлаб) руҳий тарбияни яхшилаш лозим. Шояд ўшанда биз бир-биримизни тушунсак, ниятларимиз эзгу бўлса, ўзаро меҳр-оқибатимиз кучайса.

1992 йил ҳафтаномаларнинг бирида “Нострадамус башоратлари” сарлавҳали

энергетиклар қўриқлашини, Горбачев бундай хизматдан фойдаланмаганини билдиради. Психонергетиклар хизматидан фойдаланаётган экан, бу Америка Президентларининг ютуғи. Ўз вақтида Соҳибқирон бобомиз Амир Темура ҳам валдилар, тушларнинг таъбирини айтиб берувчи маслаҳатчилар хизматидан баҳраманд бўлган. Бундан ҳеч қачон ютказмаган. Ҳозирги кунга келиб бундай хислатли одамлар экстрасенслар деб аталадиган бўлди.

ФИКРИНГИЗ СОВУҚ ДИЧЕВ

сари борадиган бўлсак, ҳамма телекомпаниялар психотрон ва психотроплар билан қуролланган, телекурсагувлардан воз кечишимиз, ахборотларни тингламаслигимиз керак эканда. Мана буни зомбилликнинг, ёвузликнинг олий кўриниши деса бўлади.

Ҳурматли юртдошлар, мақолани ўқиб қандайдир мулоҳазаларга борингиз. Кимдадир табибларга ишонмаслик ваҳимаси кўзғолди. Яна кимдир психотрон ва психотроп қуролларидан ташвишланиб қолди.

Қадим-қадим замонлардан бери табибнинг, шифокорнинг сўзи даво деган фикр айтилиб келинади. Бу фикр ҳеч қачон ўз моҳиятини ўзгартирмайди. Фақат гап фикрнинг мазмунида, сизга ким, қандай ниятли одам йўналтираётганлигида.

Бордию бирор давлат Дичевнинг маслаҳатларига кулоқ осиб, руҳий табиблар фаолиятини таъқиқлаб қўйди ҳам дейлик. Лекин яратилган психотрон ва психотроп қуролларини йўқотмайди-ку. Дуненинг нариги бурчагидан туриб, мақсадли фикрларини керакли нуктага йўналтиравери-да. Бундан Яратганининг ўзи асрасин!

Дичевнинг илмий ишлари ҳақида ҳолис фикр ҳам айтмайлик. У киши инсон руҳияти билан боғлиқ фикрдаги ёвузликларни тадқиқ этган. Бунга қарши аниқ ва керакли йўл-йўриқларни бермапти.

мақола чоп этилган эди. Куйидаги кўчирмага эътибор беринг: “Тугилажак Исо (Христ) ҳамда дажжол (Антихрист)нинг ҳам ўз даракчилари бўлади, деб таъкидлашади шарҳловчилар. (Кашпировский 11.08.39 йилда, яъни машғум фурсат 11.08.99 йилдан роса 60 йил бурун еки тўлиқ шарқий бир цикл “ражан”га тенг муддат олдин дунёга келди). Эҳтимол, Кашпировский одамларга эзгулик тилар, бироқ экстрасенс-психотерапевт сифатида унда қора майдон бўлганлиги учун қилаётган ишдан қайсидир даражада у ўзи огоҳ эмас. Худо кўрсатмасин, у ёвузлик изнига тушиб қолса борми...” Аслида Дичевнинг мақоласида ҳам одамлар соғлигини яхшилаш йўлида хизмат қилаётган Кашпировский ва у фойдаланган инсон руҳиятига ором берувчи мусика нишонга олинган-ку. Хулоса қилиб айтганда Дичев Кашпировскийни, соғайтиришга ердан берувчи мусикани,

Ҳар қандай хасталик, унинг келиб чиқиши, соғайтириш чораси, давлат миқёсида бўладиган бўлса, унинг раҳбарига иқтисодийми, сиёсийми, ҳарбийми — қайси соҳада бўлмасин рўй берадиган хавф-хатар, уни бартараф этиш йўллари тушида аён бўлади. Бу рамзий шаклларда кўриниши мумкин. Туш кўрувчи зукко, бўлса, уни ўзи еча олади ва чорасини кўради. Бу психохоботдир.

Шу ерда мақоламизни мухтасар қилиб, Дичева фикрингиз ўзингиздай совуқ дейман. Юртдошларимга эса яхши кайфият, ёмон фикрларга қарама-қарши фикрлашни маслаҳат берман. Ўзимизда атом ва кимёвий бомбалардан-да кучлироқ (“дахшатлироқ” эмас) қурол бор. У ҳам бўлса Қуръони каримдир. Унга суянган ҳар имон-эътиқодли одам ҳар қандай бало-қазодан омон қолгусидир.

Мўмин ХОЛМУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти, Косон тумани

А С О С С И З В А Х И М А

Мени “Оила ва жамият” рўномасида эълон қилинган “Ярим тун, манкурт телефонда” деб номланган мақола беихтиёр ўзига жалб қилди. Бу мақола Болгариядаги “Одамнинг биоэнергетикаси ва экологияси” институтининг директори Тодор Дичевнинг илмий иши ва мунозарали фикрлари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор этади. Бироқ, бу илмий фикрларнинг аксарияти ноёб қобилият эгалари бўлмиш экстрасенсларга қарши зарба беришга қаратилган. Ва олим бемаъни, совуқ фикрлари орқали кўпчиликни чалғитади.

Ахир йўлаб кўринг, ҳар ким ҳам табиб еки экстрасенс бўлавермайди. Чунки, Оллоҳ бу илоҳий куч-қудратни ўзининг суйган бандаларига беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, олимнинг ваҳималарини асоссиз деб биламан.

Ривоят қилишларича, улуғ аллома ва табиб

Абу Али ибн Сино ғайритаъбиий бир тажрибани амалга оширган. Бир аёл жигар хасталигидан қийналиб, оғриқ азобида дош беролмай ҳаётдан кўз юмади. Шунда, Ибн Сино тунда қабристонга бориб, қабри очиб, “сеҳрли бармоқлар”ни, дори дармонлари ва Оллоҳнинг меҳри ердамида аёлни ҳаётга қайтарган. Қизиғи, аёл ўз оиласи бағрида умрининг охиригача ҳеч қанақа дард кўрмай яшаган. Димоқчиманки, ўтмишда ҳам юртимиз ўзининг табиблари, авлиёлари, ноёб хислатли кишилари билан машҳур бўлган.

Хулоса қилиб шунни айтиши керакки, биз экстрасенсларга ихлос билан, ишонч билан далда бериб турсак дардимиздан фориг бўлишимиз мумкин. Агар турли хил таъналарга учиб, уларга ишончсизлик билдирилаверса, фақат ютқазамиз.

Савдат МЕЙЛИЕВА



Эргаш ҚУЛМУРОДОВ сурати

Муҳаммаджон полвон Олма-Ота шахрига мусобақага борганида, семиз, кўзлари қисикроқ, оғзи тўла тилла тиши бир киши унга узоқ тикилиб туриб, сўнг кучоқлай кетибди.

— Бормисан, оғайни Қора? Бу ерларда нима қилиб юрибсан? Кўришмаганимизга ҳам минг йил бўлди-ев, а? Тошкентлар тинчми?..

Муҳаммаджон полвон бу одамни биринчи марта кўриб туриши эмасми, нима деяри-ни билмай қолибди. Хайрон бўлиб турса: нотаниш одам

— Раҳмат! — дебди нотаниш киши қисик кўзларини пирпиратиб. — Бу, менга қара, соқол қўйиб юборибсанми?

— Ҳа, энди, тушунасан-ку...

— Тўғри-тўғри, замон но-зик. Мен ҳам "мудлатни ўтаб", ўзимни савдога урдим. Аввалига шогирд, кейин ма-газин мудри, сўнг бўлим бошлиги, қўйинг-ки, ҳозир базада директорман! Бир пайтлар савдо техникумидан олган диплом фойда бериб қолди. Ҳозир ишларим "беш"! Юр, сени бир машат

ЭСКИРГАН МАҚОЛ

ха, деб "Оғайни Қора, дўстим Қора" дея мурожаат қилаверибди. Шунда Муҳаммаджон полвон бир-дан эслаб қолибди: Бир вақтлар бу ери Тошкентдан Олма-Отагача, у ери Қўқондан Ўшгача отнинг қашқасиди маълум. "Қора" лақаби билан ном чиқарган Қора Аҳмад деган ўғри бўлган экан. Бу киши Муҳаммаджон полвонни ўша ўғрига ўхшатаётган экан. Полвон буни фахмлаб-ди, лекин сирни бой бер-мабди.

— Ўзинг қалайсан? Ўзинг ҳам...

қилдирай.

— Буни қара-я, омадимиз бор экан, — дебди Муҳаммаджон полвон жилмайиб. — Мен ҳам ҳозир катта ма-чигда сўфиман.

— Йў-ге, ростданми? Ма-ладес! "Ўғри қариса сўфи бўлади", деган мақол бекор-га айтилмаган эканда, а?

— Йўқ, дўстим, — деди Муҳаммаджон полвон. — Сен ҳаётдан анча орқада қолибсан. Ҳозир бу мақол ўзгарган. "Ўғри қариса, база-га директор бўлади".

Мирбаҳодир БАДАЛОВ

ЛАТИФАЛАР ТАСОДИФ

Мошина йўловчини уриб юборди. Ҳайдовчи моши-нани тўхтатиб, жабрланувчи аёлга бақирди.

— У эк-бу ёққа қараш керак! Ҳаммасига ўзингиз сабабчисиз! Уч йилдан буен мошина ҳайдайман, бу-нақа ҳодиса бирор марта ҳам бўлмаган.

— Ҳа-ҳа-ҳа! — кулиб ўрнидан турди аёл. — Мен айбдорманми? Мен эллик йилдан буен пиёда юра-ман, бунақа ҳодисага йўлиққанам йўқ.

ХОТИНИМ АЙТИБ БЕРАДИ!

Бир бемор докторга шикоят қилиб қолди. Доктор унинг касаллик тарихини эшитиб бўлгач, деди:

— Гапингиза тушундим, азизим! Чекишни тезда ташланг. Фақат байрамлардагина оз-оздан ичинг. Ишда ўртоқларингиз билан ушланиб қолманг. Ўн бўлмасдан кўрпанинг тагига кириг...

— Тўхтанг, тўхтанг, доктор! Қолганини хотиним айтиб беради!

xxx

Доктор бемордан сўради:

— Айтинг-чи, сиз ўз хотингизни алдайсизми?

— Албатта! Яна кимни ҳам алдашим мумкин?

АЖАБЛАНИШ

Бир киши кўшнисига шикоят қилиб қолди.

— Сизнинг товуқларингиз девор ошиб менинг гул-ларимни чўқиб ташлабди. Бу ҳол одамни жуда ҳам ажаблантиради!

— Буни ажабланидиган жойи йўқ! Агар сизнинг гулларингиз девор ошиб менинг товуқларимни чўқиб ташлаганида ажабласа бўлади.

КИМГА СОТАДИЛАР!

— Ойи, бузуқ нарсаларни кимга сотадилар?

— Сенинг отанга сотадилар.

Михал Б. ЯГЕЛЛО
(Польша)

ТЎРТИНЧИ ОЁҚ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир Стол бор экан. У қариган чоғида бир оёғидан ажралиб қолибди. Уч оёқ билан анча қийналиб қолибди. Стол бўлажак иккинчи гуруҳ ногирони сифати-да тегишли бошқармага, текинга янги оёқ ясаб беришларини илтимос қилиб сўрабди.

Амалдор, унинг илтимосини эшитиб, ажаб-ланибди.

— Сизга тўртинчи оёқ нимага керак? Ҳам-

маникига ўхшаб учта оёқ сизга етарли эмасми?

Стол бошқармадан ҳеч нарсасиз судралиб

чиқиб кетди. Умуман унинг омади чопмади.

Уни қабул қилган амалдор Рояллар бўлимида

маслаҳатчи лавозимида ишларди.

Уста КЎПАЛ таржимаси.

СПОРТ • ХАБАРНОМАСИ

ШАХМАТ.

Хизмат кўрсатган спорт устаси, халқаро тоифадаги гротсмейстр Болта Ериев билан тож даввогари Кескир Барраев ўртасида кечиктирилган шахмат ўйинининг бешинчи партия-си об-ҳаво ноқулай келиши муносабати билан бошқа олди. Унинг бу кўрсаткича зришида онаси, хизмат кўрсатган спорт устози Мўлтоной Ҳозиевнинг хизматлари катта-дир.

КАМОНДАН ОТИШ. Бу спорт турининг ҳадисини олган камончи қизимиз Дўрсагул Сатангова ҳали еш бўлишига қарамай ўн икки имкониятдан унумли фойдаланиб, ўн икки йигитнинг юрагини беҳато нишонга олди ва "ошиқи беқарор" қилиб қўйди.

БЕШ КУРАШ. "Ўтбосар" маҳалласида спортнинг бу тури бўйича катта мусобақа бўлиб ўтди. Маҳаллага яқинда келин бўлиб тушган Майсара Опоқова мусобақанинг мутлоқ голиби деб топилди. У бу муваф-фақиятга маҳаллада "ном" чиқарган бешта келинни даҳанаки жангда орта қолдириб эришди.

ДИСК УЛОҚТИРИШ. Спортнинг бу тури бўйича шахримизнинг энг катта гўшт комби-натида халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақада вилоят ва туман гўшт комбинатла-рининг "спортчи"лари қатнашдилар. Қизгин курашлар остида ўтган бу мусобақада республика тоифасидаги қассоб Тошан Кундаев олтиш кило оғирликдаги сон гўштини тўрт метр баландликдаги девордан ошириб улоқтиргани учун мутлоқ голиб деб топилди.

Уста КЎПАЛ тўплаган



Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБЎЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР,
Дадаҳон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ,
Мухаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИДИ
(бош муҳаррир ўринбосари), Ботир
ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САҲОЕВ,
Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОКУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар
жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар
жамғармасининг "Чинор" илмий ишлаб чиқариш
бирлашмаси.

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек,
фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди.
Газетамиздан олинган маълумотлар "Ойда ва жамият"дан деб
кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 5-бино. 3-

қават

Телефон: 39-43-95

Рўстам МИРАЗИМОВ навбатчилик қилди

Обуна индекси - 64654

Рўйхатга олиш №33

Буюртма №Г-1254. 18634 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-

3, ҳажми, 2 босма табоқ.

1 2 3 4 5 6